

Риёзус солиҳийн шархи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1019-ҳадис

1019 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا أَذِنَ اللَّهُ لِشَيْءٍ مَا أَذِنَ لِنَبِيٍّ حَسَنٍ الصَّوْتِ يَتَعَنَّتُ بِالْقُرْآنِ يَجْهُرُ بِهِ». مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ 7544، م .[792/233

معنى «أذن الله»: أي استمع، وهو إشارة إلى الرضا والقبول.

1019. Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Аллоҳ ҳеч бир нарсани Қуръонни чиройли овозда оҳанг билан, жарангдор овозда ўқиётган Набийни – соллаллоҳу алайҳи васаллам – тинглаганидек тинглаган эмас», деб айтганларини эшигдим».

Муттафакун алайҳ.

Шарҳ: Ҳадисдаги «оҳанг билан ўқиши» деб ўгирилган сўз луғавий маъносига кўра икки хил маъноди билдиради:

1. Куръонни оҳангдор қилиб, тараннум билан ўқиши;
2. Бой, бехожат бўлиш.

Ҳадисдаги гапнинг оқимидан бу ерда биринчи маъно назарда тутилгани равшан бўлади ва кўпчилик шуни устувор санаган. Аммо айрим уламолар уни иккинчи маънода ҳам изоҳлашган. Биринчи маъно тарафдорлари «Бу изоҳ ҳадисдаги гапнинг оқимига тушмайди, чунки унда «tinglash» ҳақида сўз боради», дейдилар. Айрим муҳаққиқ уламолар, жумладан, Ибн Ҳажар

Асқалоний раҳматуллоҳи алайҳ иккинчи мазмунда берилган изоҳни биринчи асл маъно билан бирлаштириш мукинлигини айтганлар. Унга кўра, «ўзини беҳожат тутиш», деган изоҳ сўзнинг бевосита маъноси эмас, балки маъносининг изоҳи маъносида тушунилади ва «Қуръонни оҳангга солиб, шу билан ўзини беҳожат тутган» деган маъно ҳосил бўлади. «Беҳожат тутиш» ибораси ҳам моддий, ҳам маънавий маъноларни ўз ичига олади, яъни «Қуръонни оҳанг билан ўқиб, ўзини молдунёдан ҳамда олдинги самовий китобларни тиловат қилишдан, куйқўшиқлардан беҳожат тутган», дегани бўлади.

Бу Қуръони Каримни қоидаси билан чиройли қилиб қироат қилиш жуда ҳам марғуб амал эканига далилдир. Уламолар ушбу ҳадиси шарифдан Қуръони Карим қироатига кўп савоб берилиши ҳам келиб чиқади, деганлар.

Манба: hadis.islom.uz

